

АЁЛ ОБРАЗИНинг Қиёсий таҳлили

Махбуба ЎРАЗБАЕВА

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Тошкент, Ўзбекисон

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек адабиётининг истеъдодли ёзувчиси Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романи билан инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенснинг “Катта умидлар” асари таҳлилга тортилди.

Таянч сўзлар: муштараклик, фожия, севги-садоқат тимсоли, фожия қурбони, образ, характер, кампир, фожия омили, фахрий депутат.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОБРАЗА ЖЕНЩИНЫ

Махбуба ЎРАЗБАЕВА

Доктор философии по (PhD) филологическим наукам
Ташкентский государственный педагогический университет
имени Низами
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье были проанализированы роман талантливого писателя узбекской литературы Лукмана Бурихана “Жазирамадаги одамлар” (“Люди в летний зной”) и произведение английского писателя Чарльза Диккенса “Большие надежды”.

Ключевые слова: общность, трагедия, любовь-символ верности, жертва трагедии, образ, характер, старуха, фактор трагедии, почетный депутат.

Киёсий адабиётшунослик фани адабиётни, адабий ҳодисаларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш, уларни жаҳон контекстида аниқлаш каби муҳим вазифаларни бажаради. Бу соҳа бадиий асарни қиёсий жиҳатдан ўрганиш натижасида ижодкорлар ва уларнинг асарлари ҳақида янги маълумот ва янги хулосалар чиқариш имконияти янада кенгаяди. Биз бу мақолада генетик жиҳатдан боғланмаган ўзбек ва инглиз адабиётидаги икки ёзувчи Луқмон Бўрихон ва Чарльз Диккенс романларини таҳлилга тортидик. Олим Сувон Мели “сиймолар, образлар, ғоялар, фикрлар бир-бирига бақамти қўйилиб, уларнинг қиёсланишидан пайдо бўладиган қувват, энергия қиёсий адабиётшуносликнинг моҳиятини ташкил” [4;265] қилишини таъкидлайди. Биз таҳлилга тортган Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романида Лолаҳон ҳамда Чарльз Диккенснинг “Катта умидлар” асарида

Эстелла образлари шундай қаҳрамонлардир. Кузатишимизда бу икки образдаги ўзаро муштаракликни юзага келтирувчи фожиавийликни ёнма-ён қўйиб, хусусий томонларини топишга интилдик.

Л.Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар”да Лолаҳон ҳам, Ч.Диккенснинг “Катта умидлар” асарида Эстелла ҳам ўз истакларини ичига ютиб яшайдиган, ҳаёт тарзини ўзи белгилай олмаган образлардир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзгалар томонидан белгиланган ҳаётда яшашга маҳкум қилинган фожиа қурбонларидир. Шу боис улардаги тақдир битигини намоён этувчи омилларни қўйидагилар ташкил этади:

Фожиа омили. Лолаҳон ижтимоий-мафкуравий, Эстелла табиий ёки режалаштирилган фожиа қурбонидир. Лолаҳон образида ёш бева қолиб қалбида кечеётган мураккаб, изтиробли кечинмаларни, ёшлиқ кучи билан юзага қалқиб чиқеётган туйғуларни ниқобли тарзда ичига ютиб яшашга маҳкум инсон фожиаси кўрсатилади. Лолаҳон урушда ҳалок бўлган эр – Ўроқ хотирасини сақлаб яшашга маҳкум қилиниши ва бутун қишлоқ аҳли томнидан унинг севги-садоқат тимсолига айлантириши аччиқ киноявий кулги орқали китобхонга ҳавола этилган. Аёл ўзи истамаган ҳаётда, ўзи истамаган тимсолда яшашга мажбур бўлди. Умуман, “севги-садоқат тимсолидаги аёл”, “қаҳрамон аёл”ларни шўро даври мафкураси яратди, уларни шу ном билан аташ, шу ном билан яшаш мафкуранинг асосий талабларидан бири бўлди. Ёзувчи шу талаблар асосида яшаётган аёлнинг фожиасини киноявий йўл билан кўрсатишга уринган.

Эстелла “режалаштирилган” фожианинг қурбони бўлди. У меҳр-муҳаббат, севги каби инсоний ҳис-туйғуларни билмайди. Чунки бу туйғуларнинг юрагига кириб боришига ўгай она томонидан изн берилмаган. Ёшлигидан “ўгай қизининг” кичик юракчасига “бир парча муз” солиб қўйган. Шу боис қизи Эстелла вужудида бир бўлак муз билан катта бўлди ва меҳрсиз, тошбагир, мағрур қиз бўлиб улгайди. Бу унинг биринчи фожиаси эди. Эстелла мисс Хевишем қўл остида вояга етди, унга бўйсинди, у чизиб берган харита асосида ҳаракатланди. Уни севган Пипнинг самимий

муҳаббатини жавобсиз қолдиради. Унга севги изҳор қилган йигитларни назарига илмай, ошиқларини азоблаш учун қўпол, мақтанчоқ, пасткаш, шафқатсиз Драмлга турмушга чиқиб ҳаётидаги иккинчи фожиага йўл қўяди. Нега? Чунки Эстелла айнан эркак зотидан ўч олиш учун шундай тарбияланган. Қари мисс Хевишем – асраб олган онаси унинг севишига, ўзгалар тақдирига ачинишига, меҳрибонлик қилишига йўл кўймади. Чунки мисс Хевишем ёшлигига манфур инсонларнинг қурбони бўлди ва узлатга чекинди, йиллар давомида мағрур қиз тошбағир кампирга айланди. Унга эркак зотидан ўч олиш учун Эстелла асосий қурол вазифасини ўтади. Ёзувчи ўз баҳтсизлиги тавонини олиш учун асраб олган қизидан фойдаланган она, баҳтсиз яшашга маҳкум қилган қизининг фожиасини кўрсатиб берган.

Ҳар иккала ёзувчи қаҳрамонларида бўй кўрсатаётган фожианинг туб илдизида бир хил манбаларни кузатамиз. Шу жиҳати билан бу икки қаҳрамон кисмат битиги муштаракдир.

Романларда кампир образининг иштирок этиши. Ҳар иккала романда ҳам қари кампир образи учрайди. Булар – фахрий депутат ва мисс Хевишем образларидир. Фахрий депутатнинг кўнгли ярим, мисс Хевишемнинг юраги зада. Икки кампирнинг ҳам баҳти бутун эмас. Фахрий депутат урушда ҳалок бўлган эрининг хотирасига садоқат сақлаганлиги боис кўкраги орденларга тўлган. Уни ҳамма хурмат қиласи. Ҳукумат ва одамлар эъзозлайди. Романда шўро даврида “баҳтиёр” яшаган, севги-садоқат тимсоли бўлган аёл йиллар ўтиб қарида. Ёзувчи унинг ҳам бир пайтлар ўз орзулари, истаклари бор бўлганлигини, аммо уларни ичига ютиб яшашга мажбур қилинганлигини айтишга уринган. Шўро даври кўкларга қўтарган аёлнинг ярим кўнглини икки боласи, орден ва эъзозлашлар ҳам тўлдиролмаган. Фахрий депутат даврнинг садоқатли аёли бўлиш учун ёлғизликка маҳкум қилинган аёл образидир.

Чарльз Диккенс қаҳрамони қари кампир эса синган юраги билан яшашга маҳкум:

– *Нима бор, бу ерда?*

- *Юрагингиз.*
- *Синган юрагим!*

Хоним бу сўзларни эҳтирос билан, чертиб-чертисиб, сирли ва мағур табассум билан айтди. Бирмунча вақт у қўлларини кўкраги устига ушлаб турди, кейин улар гўё оғирлик қилаётгандек пастга туширди [2;46]. Мисс Хевешим синган юраги билан боғлиқ сирли воқеаларни, ўзининг асл кайфиятини табассуми билан ниқобламоқда. Ёзувчи аёл фожиасини дастлаб унинг портретида чизади ва кейинроқ кичик-кичик экспозицияларда уларни қуюқлаштира бошлайди. Чунончи, оқарган соч, йиртилиб сарғая бошлаган оқ кўйлак. Оёғидаги илма-тешик пайпоқ. Экспозицияда эса қоронги уй, деворларидаги йигирмата кам тўққизда тўхтаб қолган соатлар, хоналардаги ўргимчак тўрлари, моғор босган катта торт, чириб кетаётган буюмлар тасвиrlанади. Хевишем алданди ва ўзини-ўзи фожиага маҳкум қилди.

Фожиани тақрорламаслик истагининг муштараклиги. Лолаҳон ҳам, Эстелла ҳам ўзидан олдинги кампир фожиасини тақрорламоқчи эмас. Буни икки образ икки хил шаклда билдиради. Лолаҳон ўз дардини атрофидаги яқинларига айта олмайди. Чунки, аввало, унинг дардини атрофида томоша қилиб ачинаётгандар тушунмайди, қолаверса, ёзувчи ўзбек аёлига хос андишани ҳам кўрсатмоқда. Бироқ, барибир, Лолаҳон бир инсон сифатида кўнглидан кечеётган кечинмаларни кимгадир айтиши лозим. Ёзувчи бу изҳорни олисда яшовчи холага ёзилган мактуб орқали акс эттириб, бева қалбига кириб боради. Қаҳрамоннинг фахрий депутатни кўрганидан кейинги ҳолати, ички кечинмалари, унга қарши исёни айнан мактуб орқали кўрсатилади. Ёш Дурбек нигоҳи орқали чизилганидек, “Қари, бетлари чайнаб ташлангандай ғижим, мункиллаб қолган, кўзлари шилпиқ. Лекин кўкраклари ҳар хил орденларга тўла, юрганида шифиллайди” [1;257]ган фахрий депутатни кўриб Лолаҳон қўрқмоқда. Хаёлида ялмоғизга ўхшатиб, руҳлар, ажиналар томонидан олиб келинган келажагим, деб ўйламоқда.

Эстелла ҳам мисс Хевишемда ўз келажагини кўради. Унга бўйсунади, инжиқликларига дош беради. Аммо Хевишем тақдирини тақрорлашни ҳам

истамайди, истамаслигини айтольмайди. “Менинг тутинган онагинам. Ҳамма нарсани сиз менга бердингиз. Мендаги бор нарса – сизники. Менга берган ҳамма нарсангизни бир оғиз сўзингиз билан қайтариб бераман...” [2;238]. Зодагон аёлларга хос тарзда айтилган “қайтариб бераман”и Хевишемдан қолаётган мол-давлат эмас, Хевишемнинг фамилияси, у ўргатган меҳрсизлик, мағрурлик. У Эстелла бўлиб эмас, Хевишем бўлиб улғаймоқда. Ёш Хевишем бўлиб яшаб келмоқда.

Романлардаги бу муштараклик ҳам ҳар икки қаҳрамон қисматини бир нуқтада бирлаштириувчи омил сифатида намоён қилмоқда.

Романларда ҳикоячи қаҳрамонлар образининг мавжудлиги. Ҳар иккала романда ҳам ҳикоячи образлари бор. “Жазирамадаги одамлар” романи ҳикоячиси Самад бўлса, “Катта умидлар” асарида Эстеллага кўнгил қўйган йигит Пип. Иккалasi ҳам сюжет воқеалари бошланмасида ёш бола бўлса, асар якунига келиб улғаяди. Самад тилидан Лолаҳон фожиаси сўзлаб берилади. Пип роман марказида турганлиги сабаб барча образлар унинг атрофига келиб бирлашади. Эстелла ва Хевишемнинг аччик қисмати ҳам Пип билан боғлиқ сюжет воқеалари ичida кечади.

Атрофидаги аёлларнинг муносабати. Лўқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романида Хосият хола, Шабнам, Зумрад опа, Тошиби чеча, Майсара янга, Дурбекнинг момоси каби аёллар образлари бор. Бу аёллар етакчи қаҳрамон Лолаҳон атрофидаги жисплашиб сюжет яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Улар романда бир асосга кўра, яъни бева аёл қалбида кечётган туйғуларни англамасликлари, тушунмасликлари ва Лолаҳон фожиасига томошабин бўлиб туришлари билан бирлашади. Романдаги Шабнам серсеvги ҳамда соxта обрўга ўч қиз. У Ўроқ, Шербек каби йигитларга севги-муҳаббат изҳори битилган хатлар ёзиб юради. Аммо охир-оқибатда севгисига “садоқат”ини ҳам унутиб, бошқага турмушга чиқиб кетади. Яна қишлоқда турмушга чиқаётган қизларга янги одатни бошлаб берди. Турмушга чиқаётган ҳар бир қиз тўй куни Лолаҳоннинг этакларини ўпиб унинг оқ фотиҳасини олиш кераклигини, бева

аёлга кулиб гапирмаслик, тўйларга чақирмаслик лозимлигини айтиб қишлоқдаги энг кайвони, “ақли бутун” қизга айланди. Роман воқелигида Дурбекнинг момоси билан Лолаҳон ўртасида деярли сұхбат учрамайди. Лекин Лолаҳон билан боғлиқ воқеаларнинг барчасидан хабардор ҳамда уларни “хақ рост” деб тасдиқлаб туриши билан муносабат ҳосил қиласи. Қишлоқ одамлари Лолаҳонни фаришта, отинойи, бузук, жодугар деб атаганлари ҳам момо томонидан тасдиқланган.

Эстелла ва Хевишем атрофидаги аёлларни манфаат, пул, бойлик топиштиради. Хевишемнинг қариндошлари – Мисс Сара, мисс Жоржиана, миссис Камила иккиюзламачи, бойлик илинжида ҳар қандай ишга қодир аёллар. Уларни кўпроқ мисс Хевишемнинг мероси қизиқтиради. Меросга эга бўлиш ёки ундан кўпроқ улуш олиш мақсадида буюк “мехр”ларини турли хил йўллар билан изҳор қилиб туришади. Чунончи, йилда бир маротаба келишлари мумкин бўлган Хевешимнинг туғилган кунида ҳам “яқин қариндоши”нинг келажагини ўйлаб дардга чалинган қилиб қўрсатишади. Чунончи, миссис Камила сўзларининг рост эканлигини исботлаш мақсадида ҳушидан кетади. Хевишем фожиасини ўйлаб кечалари уйкусиз қолганлигидан нолийди. Қариндошлиқ ҳиссиётлари уни емириб ташлаганлигини, бу боис бир оёғи иккинчи оёғига қараганда анча калта бўлиб қолганлигини айтади. Шундай оғир дардга чалинишига ягона айбор Хевишемдир. Шу боис меросдан ҳам улушим кўпроқ бўлиши керак, деган таъмага шаъма қиласи. Кампирнинг асраб олган қизи Эстелладан, ҳатто меросдан улушки бўлмаган Пипдан ҳам нафратланади.

Фожиа якуни. Лолаҳон тақдирни аянчли ўлим билан тугайди. Қ.Йўлдошев: “Лолаҳон мақтанчоқ ва сохта обрўга ўч Ашур томонидан ўлдирилмаганда ҳам, у барибир бундай ёлғон ҳаётда, мунофиқ қиёфада узок яшай олмаслиги, фожиа ўзгача бир тарзда рўй бериши романда сезилиб туради” [3;234], деб айтганда ҳақдир. Чунки ёзувчининг мақсади ҳам, воқеалар мантиғи ҳам Лолаҳон ўлимига ишора қиласи. У севги-садоқат тимсолидаги аёл бўлишни истамади.

Эстелла ўз фожиасини англаб етади ва яхши томонга ўзгаради. Муаллиф портрет тасвирида (йўқолган ҳусн, қайғули қараш), нутқий характеристика (овоздаги ҳамдардлик, мулойимлик), кўз ёш (ёноқларидағи кўз ёши) ва диалог – сухбатда Эстелладаги ўзгаришни кўрсатади. Юзида акс этган сокин қайғу, ҳиссиз, совук кўллар энди дўстона, меҳрибон. Ўтган умрни эса йиглаб эслайди. “Кумуш туман ойнинг дастлабки нурларидан сесканди, шу нурларнинг ўзи унинг ёноқларидан оқиб тушаётган кўз ёшларини ёритди. Йиглаётганини сезганимни Эстелла билмади...” [2;357]. Бева йигламоқда. Чунки ҳаётидаги асл фожиани, бахтсизликни тушунди. Мисс Хевишемдан қолган бутун мол-давлатидан, меросидан айрилди. Бахтсиз болалиги ўтган эски уйдан бошқа давлати йўқ. Лекин унинг кўксидаги юрак бор. Ўтган умрига ачиниш ҳисси бор.

Лўқмон Бўрихон тасвирлаган фахрий депутат ва Лолаҳон даврнинг фожиали қурбонлари бўлса, Чарльз Диккенсдаги Хевишем билан Эстелла бир умр ўз орзу-истакларига зид ҳаёт кечирганлари боис уларни ҳам ёвузылик фитнасининг қурбонлари сифатида Лолаҳон тақдири билан муштарак қисмат соҳибалари сифатида баҳолаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бўрихон, Лўқмон. Жазирамадаги одамлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2005. – 234 б.
2. Диккенс Ч. Катта умидлар. – Тошкент: Nihol, 2017.
3. Йўлдошев Қ. Кинояга йўғрилган умид. Жазирамадаги одамлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2005. – 234 б.
4. Мели С. Сўзу сўз. – Тошкент; Шарқ, 2020. – 265 б.
5. Ўразбаева М. Ҳозирги ўзбек романчилигида аёл образи. – Тошкент.: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2022. – 122 б.
6. Ўразбаева М. Исажон Султон ва Нормурод Норқобилов романларида аёл образининг бадиий талқинлари. //O‘zbekiston Milliy axborot agentligi O‘zA llm-fan bo limi Elektron jurnal, 2022. – №10. – Б. 83-90.